

ТИҚХММИ Бухоро филиалида магистратура имтиҳонлари давом этмоқда

13-18 август кунлари ТИҚХММИ Бухоро филиалида мутахасислик фанидан магистратура имтиҳонлари бўлиб ўтиши эълон қилинган эди. 9 та мутахасислик бўйича 54 нафар грант ўринларга 238 нафар абитуриентлар талабгор бўлишмоқда. Имтиҳонларни адолатли ва шаффоф ўтишини таъминлаш мақсадида <https://imtihon.edu.uz/Buxoro/36> ҳаволаси орқали онлайн кузатиш имконияти яратилган. Имтиҳон жараёнида талабаларга карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда барча қулайликлар яратилган: қоғоз, ручка, маска, антисептик воситалар ва салқин муҳит. Имтиҳон жараёнлари ҳақида батафсил ҳар соатда t.me/TIQXMMIBuxoro telegram каналида маълумот бериб келинмоқда. Имтиҳон натижалари имтиҳон куни комиссия аъзолари томонидан имзо ва муҳрланиб расмий саҳифамиз tjamebb.uz сайти орқали эълон қилиб борилмоқда. Имтиҳон натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат давомида tjamebb@gmail.com электрон почтасига апелляция бўйича мурожаат қилишлари мумкин.



ТИҚХММИ Бухоро филиали Матбуот хизмати